



Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, унинг идишлари осмонда, қоп-қоронғу ва булуtsиз кечада чиққан юлдузу сайёralар сонидан ҳам кўпроқдир

Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Ё Расулуллоҳ, Кавсар ҳовузининг идишлари қандай?, - деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай жавоб бердилар: "Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, унинг идишлари осмонда, қоп-қоронғу ва булуtsиз кечада чиққан юлдузу сайёralар сонидан ҳам кўпроқдир. У жаннат идишларидан сув ичган одам асло чанқамас. Бу ҳовузга жаннатдан чиққан икки ирмоқ келиб сув қуяди. Ундан сув ичган одам асло чанқамас. Унинг эни бўйидек, Аммон билан Айла орасидаги масофага тенг.

Ҳовузнинг суви сутдан оқ, асалдан шириндир".

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Қиёмат кунидаги Пайғамбаримиз Мұхаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳовузларининг косаларининг сони, осмондаги юлдуз ва сайёralар сонидан қўра кўпроқ эканлиги ҳақида қасам ичдилар. Юлдузлар ҳилол чиқмаган, булуtsиз, зулматли кечада аниқ кўринади. Чунки, ойдин кечада, ҳилол ёғдуси соясида, юлдузлар аниқ кўринмайди. Булат эса юлдузларнинг очиқ кўринишига монеъ бўлади. Жаннат идишларидан ичган одам, ҳеч қачон чанқамайди. Бу идишдан ичгунича бўлган чанқоқ, банданинг охирги чанқоғидир. Бу ҳовузнинг эни бўйига тенг бўлиб, унга жаннатдан икки нов сув қуийб туради. Ҳовузнинг томонлари тенг бўлиб, узунлиги Шомнинг Балқосидаги Аммон билан, Шомнинг бошқа тарафидаги Айла шаҳригача бўлган масофадек катталиқдадир. Кавсар ҳовузининг ранги сутдан оппоқ, таъми эса, асалдан ширинроқдир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65032>